Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 12 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 12

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 12

ТОШКЕНТ-2025

# ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ | LOOK TO THE PAST

№12 (2025) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2025-12



**Бош муҳаррир:**
**Главный редактор:**
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Заместитель главного редактора:**
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

**Юнусова Хуршида Эркиновна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, ЎзР. ФА. Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, ЎзР. ФА. Тарих институти*

**Бурдиашвили Майя**
*тарих фанлари доктори (DSc), Телави давлат университети*

**Кожакеева Ляззат Темировна**
*тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети*

**Аминова Азиза Марксовна**
*тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Навоий давлат педагогика институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**
*тарих фанлари доктори (DSc), Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети*

**Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич**
*Тарих фанлари доктори (DSc) Шаҳрисабз далат педагогика институти*

**Ғоффоров Шокир Сафарович**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор Самарқанд давлат университети*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**
*Тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Қарши давлат техника университети*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Эшов Бохoдир Жўраевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор Қарши давлат университети*

**Маҳкамова Надира Рахмановна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент ахборот технологиялари университети*

**Кебадзе Мадонна**
*тарих фанлари доктори (DSc), Телави давлат университети*

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**
*тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Нукус давлат педагогика институти*

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари доктори (DSc), Ўзбекистон Фанлар академияси*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Андижон давлат университети*

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор Наманган давлат университети*

**Ковалев Борис Николаевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор Санкт-Петербург Тарих институти*

**Кобзева Ольга Петровна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Ауанасова Алима Мусировна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Қозоғистон давлат тарихи институти*

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**
*фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор, Қозоғистон Миллий университети*

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, ИИВ Академияси*

**Алиева Лале**
*тарих фанлари доктори (DSc), Озарбайжон давлат университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**
*тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Исмаилова Алмаз**
*тарих фанлари доктори (DSc), Доғистон мустақил университети*

**Иноятова Диларам Маниглиевна**
*Тарих фанлари доктори (DSc), профессор Ўзбекистон Миллий университети*

**Таниева Гулдона Мамановна**
*тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогока университети*

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ | РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ | EDITORIAL TEAM:

**Дорошенко Татьяна Ивановна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*

**Ширванова Тарана Амирага кызы**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Азербайджон давлат иқтисодиёт университети*

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Гулистон давлат педагогика институти*

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Урганч давлат университети*

**Курбанов Бахтияр Журабаевич**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Наманган давлат университети*

**Хакимова Шоира Сағдуллаевна**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), UBS Тошкент филиали*

**Толибоева Нодира Одилжоновна**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*
***Масъул котиб***

**Теймураз Ахалмосулишвили**
*тарих фанлари номзоди, профессор, Телави давлат университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**
*тарих фанлари номзоди, профессор, Қозоғистон дипломатия академияси*

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Исаков Бахадир Нигматуллаевич**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*

**Холмуродов Дилшод Рашидович**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Жиззах давлат педагогика университети*

**Юсупов Ахмеджон Шоназарович**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти Urganch davlat universiteti*

**Тиллахжаева Хуршида Джумаваевна**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат техника университети*

**Одилов Аброр Анварович**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*
***Масъул котиб***

**Исоқов Бахтиёр Робиддинович**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Наманган давлат университети*

**Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Наманган давлат университети*

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Наманган давлат университети*

**Алимардонов Отабек Кудратович**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти Ўзбекистон Миллий университети*

**Турсунова Юлдуз Бобокуловна**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ЎзР. ФА. Тарих институти*

**Азаматова Гулмира Байирбековна**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Jizzax davlat pedagogika universiteti*

**Каримжонов Жасурбек Мухторжонович**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Миллий университети*

Page Maker | Верстка | Са ,ифаловчи: Xurshid Mirzaxmedov



**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

**1. Диларам Иноятова**
НЕМЕЦКАЯ ДИАСПОРА УЗБЕКИСТАНА: СОХРАНЕНИЕ ЭТНИЧЕСКОЙ И КУЛЬТУРНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ....................................................................................5

**2. Лазизахон Алиджанова**
ДИНЛАРАРО МУЛОҚОТ ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ.....................................................................11

**3. Umida Azamjonova**
TARIXIY ME’MORIY YODGORLIKLARNI KONSERVATSIYA VA TA’MIRLASH METODLARI TAHLILI (XORIJIY TAJRIBALAR MISOLIDA)..................................................16

**4. Javlonbek Begaliyev**
O‘ZBEKISTONDA SOVET DAVRIDA SAN’AT VA MADANIYAT YO‘NALISHLARIDA MUALLIFLIK HUQUQI MASALASI BILAN BOG‘LIQ AYRIM MULOHAZALAR (1930-1970 YILLAR MISOLIDA).........................................................................................20

**5. Azizbek Muminov**
FARG‘ONA VODIYSI TABIIY OBYEKTLARINING TARIXIY-GEOGRAFIK TASNIFI VA ULARNING ZAMONAVIY TURIZM RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI..............................26

**6. Фируза Мухитдинова**
ИНСОННИНГ ЎЗ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ – ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯДА МУСТАҲКАМЛАНГАН АСОСИЙ ҚОИДА...............31

**7. Sardorbek Rahimberdiyev**
MEHNAT MIGRANTLARINING IJTIMOIY HOLATI VA MADANIY IDENTIFIKATSIYASI (KOREYADAGI O‘ZBEKLAR MISOLIDA).........................................................................42

**8. Baxtiyar Kurbanov**
1941-1943-YILLARDA TEMIR YO‘L TRANSPORTI ISHINING FRONT VA XALQ XO‘JALIGI MANFAATLARI UCHUN QAYTA QURILISHI....................................................48

**9. Ғайратбек Хайдаров, Муҳитдин Саттаров**
ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ....................................55

**10. Гуласал Шакирова**
ПОНЯТИЕ И ЭВОЛЮЦИЯ МЕДИАКОНВЕРГЕНЦИИ
В ПОЛИТИЧЕСКИХ КОММУНИКАЦИЯХ...................................................................60

**11. Shuxrat Toshturov**
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING EKOLOGIYA VA BIOLOGIK RANGBARANGLIKNI SAQLASH SOHASIDAGI XALQARO HAMKORLIGI.............................................................71

**12. Пётр Чублуков**
РОЛЬ ЗАВОЕВАТЕЛЬНЫХ ПОХОДОВ АЛЕКСАНДРА МАКЕДОНСКОГО В ФОРМИРОВАНИИ КУЛЬТУРЫ ЭЛЛИНИЗМА НА ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ.........79

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

**Ғайратбек Мирзапўлатович Хайдаров,**
Андижон давлат университети
профессор тарих фанлари доктори
**Муҳитдин Артиқович Саттаров,**
Андижон давлат университети
катта ўқитувчи

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

**For citation:** Gayratbek M. Khaidarov, Muhitdin A. Sattarov. INTERNATIONAL COOPERATION RELATIONS ON THE PATH TO DEVELOPMENT. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 12.

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18035155**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада республикамизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, Фарғона водийси вилоятларида ташкил этилган қўшма корхоналар фаолияти, миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини янада ошириш, ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ёритилган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барча йўналишларида кенг кўламли модернизация жараёнлари изчиллик билан давом эттирилиб, бунинг учун ички ва ташқи инвестиция маблағларини иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқ ва соҳаларга жалб этиш борасида инвестиция сиёсати тўғри ва оқилона амалга оширилаётгани ҳаётий мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Унинг самараси эса халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечириш, мамлакатимиз равнақини юксалтиришга, ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олшимизга хизмат қилаётгани асосланган.

**Калит сўзлар**: ҳаракатлар стратегияси, инвестиция, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, маҳсулотлар, халқаро ҳамкорлик, қўшма корхона.

---

**Гайратбек Мирзапулатович Хайдаров,**
Андижанский государственный университет
Профессор, доктор исторических наук
**Мухитдин Артыкович Саттаров,**
Андижанский государственный университет
Старший преподаватель

## МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО НА ПУТИ РАЗВИТИЯ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматриваются социально-экономические преобразования, происходящие в нашей республике, деятельность совместных предприятий, созданных в

регионах Ферганской долины, вопросы дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики, развития международного сотрудничества. Масштабные процессы модернизации последовательно продолжаются во всех направлениях социально-экономического развития страны, и для этого правильно и рационально реализуется инвестиционная политика по привлечению отечественных и иностранных инвестиционных средств в ведущие отрасли и сферы нашей экономики, основанная на реальных примерах. Её эффективность обоснована тем, что она служит дальнейшему улучшению жизни нашего народа, обеспечению зажиточной, мирной и спокойной жизни, повышению благосостояния нашей страны и занятию ею места среди развитых стран.

**Ключевые слова:** стратегия действий, инвестиция, экономика, производство, продукция, международное сотрудничество, совместное предприятие.

---

**Gayratbek M. Khaidarov,**
Andijan State University
Professor Doctor of Historical Sciences
**Muhitdin A. Sattarov,**
Andijan State University
Senior Lecturer

## INTERNATIONAL COOPERATION RELATIONS ON THE PATH TO DEVELOPMENT

**ABSTRACT**

This article discusses the socio-economic changes taking place in our republic, the activities of joint ventures established in the Fergana Valley regions, issues of further increasing the competitiveness of the national economy, and the development of international cooperation. Large-scale modernization processes are consistently continued in all areas of the country's socio-economic development, and for this, the investment policy is being implemented correctly and rationally to attract domestic and foreign investment funds to the leading sectors and areas of our economy, based on real-life examples. Its effectiveness is justified by the fact that it serves to further improve the lives of our people, to live a prosperous, peaceful and quiet life, to increase the prosperity of our country, and to take our place among the developed countries.

**Index Terms:** action strategy, investment, economy, production, products, international cooperation, joint venture.

---

**Долзарблиги:**

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар, қолаверса миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини янада ошириш, ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш зарурати мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, таркибий янгиланишларни давом эттиришни тақозо этмоқда. Шу маънода давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** бу борада муҳим қадам бўлди. Мамлакатнинг 2017-2021 йилларига мўлжалланган мазкур стратегияда белгиланган вазифалар бугун амалиётда ўз исботини топмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида “**иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устивор йўналишлари**” деб номланган учинчи бўлимида халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан етакчи хорижий давлатлар билан алоқаларни кенгайтириш, жалб қилинадиган хорижий инвестицияларнинг тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш каби устивор йўналишларга эътибор қаратилган. 2017 йилда Андижон вилояти Хитой давлати ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 130,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирги кунда мавжуд хорижий сармоя иштирокидаги 173та корхоналарнинг 43таси Хитой давлати инвестициялар хисобидан ташкил этилган. 2017 йилнинг сўнгги чорагида вилоятга Хитойнинг Цзянсу

провинциясидан 70дан ортиқ тадбиркор ҳамда ҳукумат вакилларидан иборат инвесторлар делегацияси ташриф буюрди. Ушбу ҳамкорликдан кўзланган мақсад республикамиз қолаверса вилоятимизни иқтисодий тармоқларига Хитой инвестицияларини жалб этишдир. Хитойдан келган 54та компания вакиллари тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, умумий овқатланиш соҳалари, бир қатор қуёш энергиясидан фойдаланиш, технопарклар ташкил этиш борасида ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

**Тадқиқот натижалари:**

Хўжаобод туманидаги "Само" ишлаб чиқариш корхонаси ички бозордан ташқари 6та хорижий давлатларда 50дан ортиқ савдо уйлари фаолият кўрсатаётганлигини таъкидлашимиз мумкин. Корхона таъсисчилари ёрдамида Пахтаобод туманида ҳам "Само" бренди остида трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонага 2 миллиард 700 миллон сўм инвестиция киритилиб, Япония ва Туркия давлатларидан замонавий дастгоҳлар олиб келинди. Энг муҳими, 120дан ортиқ янги иш ўринлар яратилиб, коллежни тамомлаган ёшлар ишга қабул қилинди. Корхона маҳсулотлари Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Россия давлатларидаги ҳамкорлари билан экспорт бўйича буюртмалар имзоланди.

Вилоятда бугунги кунда экспорт фаолияти билан шуғулланаётган 150 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўлиб, ўтган давр мобайнида улар томонидан 20 млн.АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар экспорт қилинди. Шуниси аҳамиятга эгаки, корхоналарнинг 51 таси экспорт фаолиятига жалб қилинганига қарамай 5 млн.АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлари жаҳон бозорида ўз харидорини топди. Экспорт географиясини кенгайтириш ва ташқи бозорда маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш эвазига "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган!" ёрлиғи остидаги маҳсулотларни 15 та хорижий давлатларга етказиб бермоқда. Жумладан, Хитой, АҚШ, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Исроил давлатларида ҳамкорларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Биргина Шаҳрихон туманидаги "Melexteks" да тайёрланган 7,8 минг АҚШ долларлик жўнатилган трикотаж буюмлари юқори баҳоланганлиги фикримизнинг далилидир.

Россия федерацияси фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Медсинтез" корхона вакиллари жорий йилнинг бошида Андижон вилоятига ташриф буюриб, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишувлар имзоланди. Ушбу келишувда Андижонда "Диализ" қўшма корхонасини ташкил этиш, ушбу корхонада инфизион эритмалари, инсулин, қаттиқ ва суюқ шаклдаги турли дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона қурилиши, янги иш ўринлар яратиш каби бир қатор ишлар амалга оширилди.

2017 йилда Қозоғистон Республикаси Олма-ота вилоятидан расмий делегация Андижон вилоятига ташриф буюриб, икки вилоят ўртасида узоқ келажакка мўлжалланган иқтисодий, савдо, илмий ва маданий алоқаларни ривожлантириш учун тенг манфаатли шартномалар имзоланди. Андижон вилоятининг Қозоғистон худудлари билан товар айланма хажми 121 млн.АҚШ долларидан ортди. Қозоғистон давлатидан Андижон вилоятига 40 млн.АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди булар; ун, шакар, қора метал, ёғоч, битум, цемент ва бошқа махсулотлардан иборат. Андижон вилоятидан эса Қозоғистон Республикасига автомобиль ва ускуналар, текстиль маҳсулотлар ва пойафзал, мева ва сабзавотлар етказиб берилди. Андижон вилоятида кенг турдаги саноат товарлари, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, кабель махсулотлар, тайёр қурилиш материаллари, трикотаж ва чарм атторлик буюмларини етказиб берилди. Андижон вилоятида қозоқ капитали иштирокида 3 та қўшма корхоналар "Секрет дрим", "Синдикат" ва "Хакан дархон текстил" шулар жумласидандир.

Булоқбоши туманида Корея давлатининг "WOOLIM Hi Tech Co" компанияси иштирокида "UNG WOOLIM VALVE" қўшма корхонаси ташкил этилди. Ушбу қўшма корхонага Корея давлатидан 840 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция киритилиб, замонавий дастгоҳлар келтирилди. Ушбу қўшма корхонада маиший газ баллон ва

автомобилларнинг метан газ баллонлари учун винтеллар ишлаб чиқарилади. Корхонада 20 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил қилиниб, ҳар ойда 50 мингдан ортиқ винтеллар ишлаб чиқарилмоқда.

Қўқон эркин иқтисодий зонасида газ тақсимлаш ускуналари ишлаб чиқариш йўналишида “DOOJIN” сифатли ва замонавий мойлар ишлаб чиқариш бўйича “HYOSUNG INNOTECH” ва Фарғона шаҳрида рентген аппаратлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “ЛИСТЕМ ФЕРГАНА” Ўзбекистон-Корея қўшма корхоналари рўйхатдан ўтиб, қурилиш ишлари бошланмоқда. Шунингдек, жорий йилда вилоятнинг Қўқон шаҳрида корейс миллий боғи ташкил этилиши белгилаб олинди ва қурилиш лойиҳаси тайёрланяпти.

2018 йилнинг март ойида Корея Республикаси ва Фарғона вилояти тадбиркорлари ўртасида ўтказилган бизнес-форумда 10 дан ортиқ тадбиркор ва хорижий инвесторлари томонидан қиймати 2,4 млн.АҚШ долларлик меморандум имзоланди. “EBERGREEN MOTORS” компанияси ҳамда “POSCO DAEWOO” компанияси ташаббуси билан Қўқон иқтисодий зонаси ҳудудида “Hyundai” компаниясининг юк автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали 130 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилиниши кўзда тутилмоқда.

“HYUNDAI” компанияси Қўқон эркин иқтисодий зонаси ҳудудида юк кўтариш техникалари (каралар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали 50 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилиниши ҳамда лойиҳа амалга ошгандан сўнг маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини ҳимоя қилиш мақсадида хориждан айни турдаги импорт техникаларига божхона бож тўловларини жорий қилиш таклиф қилинди.

“SUWARO” корхонаси Фарғона шаҳридаги собиқ механика заводи ҳудудида сенсорли жўмраклар ишлаб чиқаиршни йўлга қўйиш ва ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали 10 млн. АҚШ доллари миқдори хорижий инвестиция жалб қилинди.

“HONAM VOCATIONAL COLLEGE” компанияси томонида имзоланган меморандумга асосан Фарғона шаҳрида маҳаллий ва хорижий саноат корхоналари талабларига жавоб берувчи юқори малакали ёш мутахассислар тайёрлайдиган ўқув марказини ташкил этиш ва ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали 5 млн.АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб этилиши белгиланди.

“SOMANG GLOBAL” корхонаси билан “FERGANA CITY” истиқболли лойиҳаси доирасида 200 кишига мўлжалланган 10 қаватли “Hotel Seoul Fergana” замонавий меҳмонхона қуриш орқали 2,0 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилиниши бўйича таклифлар кўриб ўтилди.

Вилоятда Латвия Республикаси билан 2018 йилда хорижий инвестициялар жалб этиш, экспортни ошириш ва туризмни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган йўл харитасига мувофиқ вилоят делегация вакиллари “Балт-тур” Халқаро ярмаркасида иштирок этиш ва йўл харитасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Латвия Республикасининг Рига шаҳрига ташрифи давомида бир қатор йирик компания вакиллари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Европа Иттифоқи ва бошқа ривожланган мамлакатларга экспорт қилиш учун талаб қилинадиган Глобал Г.А.П. сертификатлаш, иссиқхона ва муқобил энергия манбалари яратиш бўйича шартномалар имзоланди. Германиянинг машҳур “Knauf” компанияси вакиллари Ўзбекистон туманида жойлашган Шўрсув карьерига ташриф буюриб, лабораторияда текшириш мақсадида гипс хомашёсидан Қўқон ҳудудида сифатли гипсокартон ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирилди.

**Хулоса:**

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб хулоса қилсак, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча йўналишларида кенг кўламли модернизация жараёнлари изчиллик билан давом эттирилиб, бунинг учун ички ва ташқи инвестиция маблағларини иқтисодиётимизни етакчи тармоқ ва соҳаларга жалб этиш борасида инвестиция сиёсати тўғри ва оқилона амалга оширилмоқда. Унинг самараси эса халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечириш,

мамлакатимиз равнақини юксалтиришга, ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олшимизга хизмат қилади.

**Иқтибослар/Сноски/Refernces:**


1. Ш.Мирзиёев. Танқидий тахлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – Б. 7. (Sh. Mirziyoyev. Critical analysis, strict discipline and personal responsibility should be the daily rule of every leader's activity. – Tashkent: "Uzbekistan", 2017, p. 7)

2. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матба ижодий уйи, 2017. – Б. 59. (Towards rapid development and renewal based on the strategy of actions. – Tashkent: Publishing and Printing House named after Gafur Gulom, 2017. – P. 59)

3. Андижон вилояти статистика бошқармасининг 2017 йилги ҳисоботлари (Reports of the Andijan Regional Statistics Department for 2017).

4.Фарғона вилояти Статистика бошқармасининг 2018 йили бўйича маълумотлари (Data of the Fergana Regional Statistics Department for 2018).

5. Абдурахмонов Қ Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари-энг олий қадрият. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашрит матбаа ижодий уйи 2017. – 170 б. (Abdurakhmonov K. The human factor and interests in Uzbekistan are the highest value. - Tashkent: Publishing and Printing House named after G. Gulom 2017. - 170 p.)

6. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг маълумотлари 2009 й (Data of the Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan 2009)

7. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг маълумотлари 2013 й (Data of the Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan 2013)

8. Кариева М Независимость-свободная и блогополучная жизнь. -Тошкент: Шарк, 2010. – 50 б. (Karieva M. Independence-free and blog-friendly life. -Tashkent: Shark 2010. – 50 p.)

9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 7- жилд. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти , 2004. – 370 б. (National Encyclopedia of Uzbekistan, Volume 7. – Tashkent: State Scientific Publishing House, 2004. – 370 p.)

10. Ўзбекистон республикаси статистика қўмитасининг маълумотлари 2010 й (Data of the Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan 2010)

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

## LOOK TO THE PAST

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000